



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 12 август, № 158 (4821)

Чоршанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА  
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,  
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## ПОЙТАХТ ФАВВОРАЛАРИ

шаҳар кўркига кўрк, кишиларга эса яхши кайфият ва кўтаринки руҳ бағишлайди

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари халқимизнинг аجدодлардан мерос боқий анъаналар бардавонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлари ифодаси ҳамдир. Зеро, Истиқлол йилларида янада чирой очиб, бетакрор тароват касб этган юртимиз, хусусан, муаззам пойтахтимиз жамоли дилларимизга фахру ифтихор ҳиссини солаётир.



Шаҳарнинг яшилликка бурканган боғу роғлари, пойтахт бағридаги зйёратгоҳ гушалар ҳамisha меймонлар билан гавжум. Қаергаки, йўлимиз тушмасин, азим Тошкентимизнинг кўрку тароватига ҳайрат ва ҳавас ила боқаётган сайёҳларга дуч келамиз. Айниқса, кўтлуг 2200 йиллик тантаналари олдида янада ободликка юз тутаётган, бунёдкорлик ва яратувчанлик майдонига айланган пойтахтимиз чинакам маънода гуруримиз тимсоли сифатида намён бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда).

“Ўзбекистон Республикаси мамлакат ижтимоий ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири — Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган депутатлик сайловларига ҳозирлик кўрмоқда”, деб ёздаи Россия «ИнфоРос» ахборот агентлигининг «ИнфоШОС» ахборот-таҳлилий портали.

### «ИнфоШОС»: ЎЗБЕКISTON ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Мақолада қайд этилишича, “Бу сафарги сайлов қонунчилиги фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилувчи, демократия тамойилларини мустақамловчи, сайлов жараёнини очик ва адолатли тарзда ўтказишга хизмат қилувчи янги жиҳатлар билан бойитилган”.  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари

ри сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тамойили Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган.

Дунё нигоҳи

“Мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимни изчил, босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида Ўзбекистонда демократия талабларига жавоб берадиган самарали сайлов тизими

(Давоми 2-бетда).


### ТАРМОҚЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурлари доирасида

**21** та лойиҳани амалга ошириш яқунланди.

Фаол инвестиция сиёсати олиб борилгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг ўсиши таъминлангани туфайли ана шу бунёдкорлик ишларини бажаришга эришилди.

## ГАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ



Жорий йилда мамлакатимиз галлакорлари мисли кўрилмаган меҳнат галабасини кўлга киритдилар. Улар етиштирган галла ҳосили 6 миллион 610 минг тоннадан ошди.  
Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кўлга киритилган бундай муваффақият асосий озик-овқат маҳсулотининг ишончли захирасини яратиш, мамлакатимизнинг дон ва ун экспорти салоҳиятини юксалтириш билан бир қаторда, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш имконини ҳам берди.

Галлакорларимизнинг бу йилги ютуқлари ҳақида сузлар эканмиз, беҳитиёр ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ёдга тушади. Ушанда эндигина мустақил давлат сифатида ташкил топган мамлакатимиз

да бор-йўғи 940 минг тонна галла етиштирилган бўлиб, биз ҳаёт учун энг зарур бу маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжини таъминлашга тахминан 4,5 миллион тонна бугдойни четдан харид қилишга

мажбур бўлгандик. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — кишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислохотлар кўп ўтмай галла мустақилли-

гига эришиш имконини берди.

Дастлабки йилларда деҳқонлар, селекциячи олимлар, умуман, соҳа мутахассислари олдида сифатли уруғлик дон тайёрлаш вазифаси турарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил декабрда қабул қилинган “Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари” тўғрисидаги қарори айнан шу вазифани амалга оширишга қаратилган эди. Маъмурият ҳужжатга асосан,

(Давоми 2-бетда).

## «ЮРТИНГИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ»

— дейишмоқда диёримизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар

Мамлакатимиз бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари билан ҳамisha хорижликлар эътиборини ўзига тортиб келган. Буюк Ипақ йўлида жойлашган бу гузал ва кўҳна заминга бўлган қизиқиш ҳамда интилиш мустақиллик йилларида янада кучайди. Сабаби, ўтган ўн саккиз йиллик истиқлол даврида бевосита Президентимиз раҳнамолигида шаҳар ва кишлоқларимизни ободонлаштириш, аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда

ёдгорликларни қайта тиклашга катта эътибор қаратилди ва бу эзгу ишлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Юртимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқоржо жамоатчилик эътирофи этмоқда. Худудимиздаги мавжуд тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

эътиборга эга бўлган арбобнинг бундай самимий муносабати, чиндан-да, ҳар биримизни гурурлантиради. Шунингдек, юртимизга сайёҳ сифатида ташриф буюраётган кўп сонли чет эллик меҳмонларнинг ҳам мана шундай эзгу тилаклари қалбимизга ўзгача мамнунлик бағишлайди.

Жан Филипп, (Нанси шаҳри, Франция):

— Илмон топилди дегунча хорижга чиқишга ҳаракат қиламан. Ҳозирга қадар бутун Европа китъасини, Африка ва Осиёнинг баъзи бир давлатларини айландим. Бу йил Ўзбекистонга келиш насиб этди.

Айтиш жоизки, юртингиз ҳақидаги маълумотлардан дастлаб “France 2” телеканали орқали хабардор бўлдим. Биласизми, ушбу телеканалда Ўзбекистон тўғрисида, унинг тарихий шаҳарлари, маданияти, урф-одатлари, одамлари ҳақида кўпалаб кўрсатувлар, ҳужжатли фильмлар

бериб борилади. Шуларни томоша қилгач, рафикам Мария иккаламиз юртингизни ўз кўзимиз билан кўришга қарор қилдик. Режага кўра, аввал Тошкентни, кейин Хива, Бухоро ва Самарқандни айланамиз. Саёҳатимизнинг илк куниданоқ Тошкент бизга жуда ёқди. Ҳавоси мусаффо, кўчалари кенг ва раvon, одамлари эса самимий экан.

Мен ўзбекларни фарзанд тарбиясига алоҳида аҳамият берадиган халқ сифатида эшитганим. Шахсан давлат раҳбари ташаббуси билан Мустақиллик майдонига ўрнатилган бахтиёр она сиймосини кўргач, ушбу фикрларнинг нечоғли тўғри эканига амин бўлдим. Чунки ҳар қандай меъморий обида ҳам мамлакатнинг Бош майдонига жойлаштирилавермайди. Демак, бу миллатнинг болажонлиги, эртанги кунига бўлган эътиборига ишорадир.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!  
Сизни ва Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган 2009 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган байрам шодиёналари билан табриклайман.

Улкан аҳамиятга молик ушбу қўшалок айём муносабати билан минтақавий ва глобал тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги Ўзбекистоннинг собитқадамлиги ва шахсан Сизнинг саъй-ҳаракатларингизни, хусусан, 2009 йил 21 мартдан бошлаб Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг кучга кирганини қайд этиш менга мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Афғонистондаги аҳолини барқарорлаштириш ва иқтисодий қайта тиклаш борасидаги халқоро ҳаракатларга муҳим кўмак кўрсатмоқда ва бу ўринда БМТнинг тутган ўрни юзасидан Сизнинг қўллаб-қувватлашингиз юқори баҳоламоқда. 2009 йил апрелдан бошлаб Ўзбекистондан Кобулга электр қуввати етказиб бера бошлаган янги электр узатиш тармоғи Ўзбекистоннинг Афғонистоннинг иқтисодий қайта тикланишига ёрдами ва салмоқли улушининг давом этаётганини яққол кўрсатади. Сиз, Жаноби Олийлари томонидан тақлиф этилган минтақавий ёндашув қўшни давлатларнинг Афғонистонда барқарор тинчликни таъминлашда фаол иштирок этиши зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Гузал пойтахтингиз — Тошкент Ўзбекистон ва бутун минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги ташаббусларни илгари суришда муҳим ўрин тутди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида қабул қилинган Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарор мазкур шаҳарнинг илмий ва маданий алмушларнинг тарихий юрағи ва замонавий маркази сифатидаги ноёб аҳамиятининг ёрқин эътироғидир. Тошкентда ушбу байрамнинг нишонлаши муносабати билан режалаштирилган тадбирларни ўтказишда Сизга муваффақият тилайман.

Ўзбекистон халқининг фаровонлиги ва Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришни сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Жаноби Олийлари, менинг чўқур эътиромимни қабул этгайсиз.

Пан Ги МУН,  
БМТ Бош котиби

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Миллий ассамблеяси депутати Ан Санг Су раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида музокаралар ўтказди.

## КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чикарувчи органлари ўрта-

сидаги ҳамкорликнинг истикболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Корея делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар ва ноёб буюмларни кўздан кечирдилар.

(ЎЗА).



(Давоми. Боши 1-бетда).

Петра Гаус, (Фрайбург шаҳри, Германия):

— Одатда, бир шаҳарда уч-тўрт кундан ортиқ тура олмайман. Лекин бир ҳафтадирки, Тошкентдаман. Бу ернинг табияти, одамлари менга жуда ёқди. Шу боис режамизни ўзгартириб, яна тўрт-беш кун қолишга қарор қилдик.

Қизим Хенритте билан музейларни айланиб, Ўзбекистон тарихи ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлдик. Санъат соҳасида ишлагани учун менда, айниқса, Амалий санъат музейидаги экспонатлар алоҳида қизиқиш уйғотди. Бозорга ҳам бордик, қовун, тарвуз, олма, шафтоли харид қилдик. Одамларнинг хушмуомалалигини, қўли очкилигини айтмайсизми. Хатто, махсулотни оғирроқ қилиб тортиб беришди. Бу ернинг мевалари шу қадар ширин эканки, мазаси оғзингиздан кетмайди. Нонни доимо иссиқ ҳолда сотиб олиш мумкинлиги ҳам мени ҳайрон қолдириди. Ҳаммаси ажойиб.

Яқинда Мустақиллик байрами, Тошкентнинг юбилейини нишонлар экансизлар. Эътиборини тортиган жиҳат шу бўлдики, шодибоналарга ҳамма биргаликда тайёргарлик қўраётти. Каерадир янги бино қуриляпти, бошқа бир жойда эса гуллар экляпти. Хуллас, ободончилик авжида. Бундай юртга ҳавас қилсанг, арзийди.

Германияга қайтиб борганимда танишларим, албатта, Ўзбекистон

ҳақида сўрашади. Уларга аввал Тошкентнинг диққатга сазовор жойларида тушган расмларимизни кўрсатаман. Яна шунга айтманки, Тошкентда ҳам тарихини унратиш мумкин, ҳам замонавийликни. Бу ерда неча асрларга гувоҳ обидалар жуда кўп, айни пайтда замонавий бинолар ҳам. Насиб қилса, кейинги йили Самарқанд, Бухоро ва Хивани бориб кўрмоқчиман.

Георгиос Макригианнис, (Афина шаҳри, Греция):

— Тарихий шаҳарларни саёхат

дай эмас. Демак, ўзбек ҳунармандларини руҳлантирган, бетакрор асарлар яратишга илҳомланган асосий жиҳатлардан бири аша шундай гамжўрликлар билан боғлиқ.

Ясуй Омур, (Осака шаҳри, Япония):

— Агар билсангиз, аслида япониялик сайёҳларнинг аксариятини ёши кексалар ташкил этади. Улар қариллик гаштини суриш мобайнида дунё кўришга интилишади. Менинг эса университетни битирганимга эндигина икки йил бўлди.

ятга эга меҳмонхоналар, шубҳасиз, ҳар бир сайёҳни мафтун этади. Шу фурсатдан фойдаланиб, Мустақиллик байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўраётган ўзбек халқини ушбу шодибоналар билан чин қалбимдан табриқлайман.

Патрис Тоурмаер, (Лион шаҳри, Франция):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг деярли барча мамлакатларига таъсир қилди. Корпорациялар, компаниялар му-

зим. Демак, Ўзбекистонда бунга етарли шароит бор. Ҳавас қилса аризилик ишлар бажарилмоқда.

Фрэнк Лазенти, (Стокгольм шаҳри, Швеция):

— Эрта тонгда сайр қилишни ҳуш кўраман. Тошкентга келганимда менга Мустақиллик майдонини айланишни тавсия қилишди. Икки кундирки, тонг-сахарда меҳмонхонадан чиқиб, шу ерга келаялман. Қалин дарахтлар, гўзал фаввораларнинг шовуллаши, анҳор суви, эҳ-ҳе, ҳаммаси жуда бошқача. Булар асабини тинчлантиришга, чарчокларни тарқатишга ёрдам беради. Ушбу маскан мейморий ечими жуда пухта ўйлангани билан менда алоҳида таассурот қолдирди.

Абдулмалик Сиед Заин, (Банги шаҳри, Малайзия):

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин эгаллайди. Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан мамнунимиз.

Мен геологман. Маълумки, мамлакатингиз табиий заҳираларга бойлиги ва геология соҳасида етарли тажрибага эга эканлиги билан ажралиб туради. Шу боис бу борадаги ҳамкорликдан жуда кўп нарса ўрганишимизга ишонамиз. Белгиланган учрашувларни якунлагач, Тошкентнинг сўлим масканларини, Қашқадарё вилоятидаги тарихий жойларни томоша қилдик. Қайси миллат ўтмишига ҳурмат билан қараса, унинг келажаги мустақам бўлади, дейишади. Юртингизда Президентингиз бошчилигида қадимий шаҳарларни, зиёратгоҳларни обод қилишга кўрсатилган эътибор шохиди бўлиб, Ўзбекистоннинг келажаги, албатта, буюк эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яқинлашиб келаётган улғу айёмингиз билан табриқлайман. Доимо омадингизни берсин.

«Халқ сўзи» мухбири Шовкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

# «ЮРТИНГИЗГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ»

## — дейишмоқда диёримизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар

қилишни ёқтираман. Ўзбекистонга келишимнинг боиси ҳам шунда. Қўқалдош, Абулқосим мадрасаларини, Хастимом мажмуасини зиёрат қилдик. Ҳаммасининг меъморий тузилиши ўзига хос ва ҳайратланарли. Дарвоқе, айнан Абулқосим мадрасасида қўқалдош хунармандларни учратдик. Уларнинг ёғочдан ясаган буюмлари, қорозга туширган тасвирлари шу қадар чиройлики, эътиборни тортмасдан қолмайди. Бундай ноёб санъат турларининг давомийлигини таъминлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш, аввало, давлат даражасидаги эътиборни талаб қилади. Хунармандларнинг мана шундай эмин-эркин ижод қилиши ўз-ўзида бўлмаслиги аниқ. Бу ҳақда қизиқиш, улардан сўрадим. Айтишларича, Президентингиз томонидан жуда катта имкониятлар яратиб берилган экан. Солиқ тўлашдан озод бўлиб, турии хил кўргазмаларда бемалол иштирок эта олишар экан. Очиги, ҳамма давлатларда ҳам бун-

гап шундаки, соҳам туризм билан боғлиқ. Шу боис сайёҳларни доимо жалб этиб келган давлатларнинг айримларини кўриб, бу борада муайян тасаввурга эга бўлишга қарор қилдим. Ўзбекистонга юртдошларимдан жуда кўпчилиги келиб-кетган. Уларнинг таърифидан кейин дастлаб шу ерни саёхат қилиш истаги туғилди. Адашмаган эканман. Пойтахтингиз жудаям чиройли экан.

Одатда, замонавий шаҳарларда биноларнинг қурилишига алоҳида эътибор қаратилади-ю, аммо қўқалдошлар таъмирлаш масаласи иқкинчи даражада қўқалди қолади. Тошкентда эса ҳар иккиси уйғун ҳолда ташкил этилган. Бу ерда кўркам иншоотлар ҳам бор, дарахтлар ҳам кўп. Истироҳат болгарини айландик, қарангки, шаҳарда япон боғи ҳам ташкил этилган экан. Қўриб, жуда қувондим ва Ўзбекистонга бўлган меҳрим икки қарра ошди. Тарихий обидалар, музейлар, сўлим хиёбонлар, барча имкони-

раккаб аҳволга тушиб қолди, иш ўринлари қисқартирилди. Мана шу салбий жараён одамларнинг руҳий ҳолатига ҳам жуда қаттиқ таъсир қўрсатди. Чунки аҳолининг ижтимоий ҳолати ёмонлашди-да. Европанинг айрим мамлакатларида ҳам мана шундай кайфиятни кўриш мумкин эди. Очигини айтмай, Ўзбекистонга келиб, биринчи навбатда, одамларнинг юриш-туришига эътибор қаратдим. Бу ерда аҳвол бутунлай бошқача. Кимдир ойласи билан истироҳат боғини айланаяпти, кимдир сўлим хиёбондаги ўриндикқа ўтириб олиб китоб ўқияпти, дўконларида савдо-сотик бир маромда кетаяпти. Уларнинг юзқисмидаги мамнунликдан мамлакатдаги аҳвол тўғрисида дастлаб таъсир таъсирини ҳосил қилиш мумкин. Қолаверса, ҳамма ерда қурилышлар... Қасбим иқтисодчи бўлгани боис яхши биламан, ҳозирги шароитда бундай катта ҳажмдаги бунёдкорликларни амалга ошириш учун, албатта, мустақам асос ло-

(Давоми. Боши 1-бетда).

худудда бугунги янги навларини етиштиришга ихтисослашган ҳўжаликлар, уруғлик бугунги санъат миқосида тайёрланадиган ва қадоқланадиган замонавий корхоналар юзага келди.

Андихон вилоят мутахассислари тўплаган тажриба ва фермерлик ҳаракатининг изчил ривожланиши мамлакатимизда галланиннинг янада тарққий топишига хизмат қилди. Айниқса, галланилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, давлатимиз томонидан деҳқон ва фермерларга кўрсатилган гамжўрлик, қўриб турганимиздек, ўз натижасини берди: галла ҳосилдорлиги ва сифа-

корхоналари жамоалари олдида 2010 йилги мавсумга пухта ҳозирлик қўриш, уруғлик тайёрлаш, етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, аҳолини узлуқсиз равишда ун ва нон махсулотлари билан таъминлаш борасида янги ва янада муҳимроқ вазифалар турибди. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли 44 та корхонанинг фаолияти шу вазифаларни бажаришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг аксариятида ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари якунланди. Бунинг натижасида яна кўплаб янги махсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Технологик янгилаш ишлари жорий

## КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯ

Мамлакатимизда таълим сифатини янада яхшилаш мақсадида тизимга катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этиляпти. Бу эса янги педагогик технологиялар ва техник воситаларни жорий этиш ҳамда ўқув шарт-шароитини яхшилашга хизмат қилаётди. Термиз давлат университетига амалга оширилаётган бунёдкорлик ва қайта жиҳозлаш ишлари сўзимиз тасдиғидир.

Айни пайтда университетнинг тўрт қаватли янги ўқув биноси қўриб битказилмоқда. Лоийҳавий қиймати 8,3 миллиард сўмдан зиёд ушбу муқташам бино 1400 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда замонавий техника воситалари билан



Янги ўқув йилини янги бинода бошлайдиган талаба ёшларга қурувчилар яна бир тўхфа ҳозирламоқдалар. Байрам арафасида университетнинг 365 ўринли ётоқхонаси ҳам мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Гўлбахор ТАҢГИРОВА. Ҳасан ПАЙДОВ олган сурат.

### Бунёдкорлик

тўлиқ жиҳозланган 50 ва 130 ўринли маъруза хоналари, ўнлаб аудиториялар, лингафон, услубият ва бошқа хоналар ўрин олади.

— Қурилиш ишларини деярли тугалладик, — дейди бош пудратчи — «Термизсантехгазмонтаж» хусусий корхонасининг бош муҳандиси Иброҳим Каримов. — Айни пайтда бу ерда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилаяпти. Янги ўқув биноси Мустақиллик байрамнинг 18 йиллигига муносиб тўхфа бўлади. Шу мақсадда 230 нафар ишчидан иборат жамоамиз жадвал суръатларда меҳнат қилмоқда.

## «ИнфоШОС»: ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ятрилди. Бундай тизимни шакллантириш мамлакатини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган барча ишларнинг муҳим таркибий қисмига айланди», деб таъкидлайди нашр.

Пировардида сайлов жараёнининг умумэтироф этилган халққаро меъёрлари ва тамойилларига мос келадиган, мамлакат Конституциясига асосланган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини самарали шакллантириш вазифаси ҳал этилди. Шунингдек, мустақил ҳаракат қилувчи орган, яъни сайлов жараёнининг барча даража ва босқичлардаги ягона модератори бўлган Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими тузилди.

Бўлажақ сайловлар қонунчиликти киритилган сайлов тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришни таъминловчи ўзгариш ҳамда қўшим-

чаларга асосан ўтказилади. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги (2008 йил 25 декабрь) Қонунга мувофиқ, жамият ҳаётидаги жараёнларда Олий Мажлис ва жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг тутган ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенгайтириш ва мустақиллик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини самарали шакллантириш вазифаси ҳал этилди. Шунингдек, мустақил ҳаракат қилувчи орган, яъни сайлов жараёнининг барча даража ва босқичлардаги ягона модератори бўлган Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими тузилди.

Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан илгари сурилади. Россия ахборот-таҳлилий порталида қайд этилишича, «Бу — қонунчилик органи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органининг шакллантиришда уларнинг аҳамиятини оширади. Бир вақтнинг ўзида уларга бу-

тун сайлов жараёнида сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этиш борасида катта масъулият юклатилади». Фуқаролик жамияти институтларининг сайловларда иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилган, уларнинг роли кучайтирилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экология ҳаракатидан сайланган депутатларга берилади. Жамиятнинг барча қатламни ташвишга соладиган инсон соғлиғига таъсир этувчи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологияни яхшилаш масалалари давлатнинг устувор вазифалари сирасига қиради.

«ИнфоШОС»нинг таъкидлашича, сайлов қонунчилигига сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтидек янги элемент билан бойитилган. У сайлов участкаларида овозларни ҳисоблашда қатнашиш, сайлов варақасининг тўғри тўлдирилганини текши-

### Яхши хабар

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида Фарғона вилоятида қўрлаб ижтимоий-маданий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Риштон туманида замонавий меъморилик аъналарини асосида барпо этилган янги деҳқон бозорининг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун муносиб байрам туҳфаси бўлди. Махсус лойиҳа асосида барпо этилган мазкур бозорда сотилаётган қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, савдо дўконлари, чойхоналар, банк шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқлари сотувчи ва харидорларга қўшимча қулайлик яратмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ, Ҳ. УЗАМУХИРОВ

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

САМАРҚАНДдаги Ёшлар марказида «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб деб топилган 14 нафар иштирокчи ўзаро беллашдилар.

Тадбир иштирокчилари маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларни бартараф этиш бўйича ҳамда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ибратли урф-одатларни тарғиб қилиш борасида амалга ошираётган ишларини турли саҳна кўри-нишлари орқали намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра, Самарқанд туманидаги «Галаосиё» маҳалласи маслаҳатчиси Сурайё Ашурова голиб деб топилди. Эндиликда у танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

## Битирувчилар учун меҳнат ярмаркаси

Унда шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ҳамда тadbиркорлик субъектлари 250 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбир якунига кўра, 200 нафардан зиёд ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Ф. ТАҢГИРБЕРГАНОВА.

ЖИЗЗАХ. Тадбиркор Мазур Нишонов бундан бир муддат олдин қурилиш материаллари ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона ташкил этганди.

## Тадбиркор имкон топди

Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган корхонада ойига 35 минг дона шлакобок гишт ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, бу ерда мебель, эшик ва дераза ромлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ҳозирда корхона шартнома асосида қурилиш ташкилотларига оҳак ҳам етказиб берапти.

Янги уй-жойлар қурилишига ҳисса қўшаётган жамоанинг даромади ҳам чакки эмас. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона бозорга 100 миллион сўмлик махсулот чикарди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят қишлоқларида «Микрокредитбанк» тизими тобора ривожланиб бораёпти. Хусусан, шу йилнинг биринчи ярмида Косон туманида иккита минибанк, Қасби, Яккабоғ ва Миришкор туманларида банк филиаллари иш бошлади.

## Қишлоқда янги минибанклар

Ҳозирги кунда вилоят қишлоқларида ушбу банкнинг жами 9 та филиали, 39 та минибанки ва 3 та агентлиги миҳозларга хизмат кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига 11 миллиард 100 миллион сўмлик имтиёзли микромолиявий хизмат кўрсатилди. Бундан ташқари, 2,5 миллиард сўм миқдорига тижорат кредитлари берилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ГАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

ти йил сайин ошиб, мураккаб иқтисодий шароитда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга асос бўлди, шу билан бир қаторда, чорвачилик ва паррандачилик тармоқлари ривожланиши учун зарур озуқа базаси бунёд этилишига мустақам замин яратилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча қишлоқ ва шаҳарлар аҳолиси юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли ун ва нон махсулотлари билан тўлиқ таъминлангани диққатга сазовордир.

Айтиш жоизки, дон тайёрлаш ҳамма ва сифатининг ошишида ҳукуматимиз томонидан махсулотнинг харид нархидан йилдан-йилга оширилаётгани, деҳқон ва фермер ҳўжалиklarининг моддий-техника базаси мустақамлаётгани, уларнинг замонавий ускуналар ва эҳтиёт қисмлари, ёнилий-мойлаш материаллари билан таъминлангани муҳим омил бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатимиз томонидан деҳқонлар ва қайта ишловчиларнинг энг замонавий техникалар, энергия тежовчи тегириклар, донни тозалаш ва юклаш линиялари, нон ишлаб чиқариш цехлари харид қилиш ҳамда қуриш учун имтиёзлар берилгани, шунингдек, дон харидида ҳисоб-китоблар механизми соддалаштирилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Бугун қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштирувчилар ва донни қайта ишлаш

Салим ДОНИЁРОВ.

O'ZSANOATQURILISHBANK

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ» ОАТБНИНГ**

жисмоний шахслар учун биринчи чиқарилувдаги ютуқли омонат сертификатлари тўғрисидаги МАЪЛУМОТ

Жисмоний шахслар учун биринчи чиқарилувдаги ютуқли омонат сертификатлари чиқарилувни давлат рўйхатидан ўтказган ташкилот, санаси ва тартиб рақами — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2009 йил 20 май № DS-43-0097.

ЧИҚАРИЛАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ТУРИ

Жисмоний шахслар учун номи ёзилган биринчи чиқарилувдаги ютуқли омонат сертификатлари:

- чиқарилув шакли — нақд;
- номинал қиймати — 20 000,0 сўм;
- чиқарилув ҳажми — 200 000 дона;
- омонат сертификатлари серияси — 200 серия;
- бир сериядаги билетлар сони — 1 000 дона;
- омонат сертификатининг муомала муддати — омонат сертификатлари сотиб олинган санадан бошлаб 12 ой (365 кун);
- йиллик фоиз ставкаси — 22 фоиз хисобидан даромад тўлаб берилади;
- ютуқ қилиб ўйналандиган фоиз ставкаси — 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18 фоиз.

Умумий шартлар

Сертификат бўйича маблағларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи фақат жисмоний шахсларга берилади.

Сертификат бўйича маблағни талаб қилиб олиш муддати етиб келганда ёки сертификатни тақдим этувчи банк филиалига тўловни амалга ошириш учун тақдим этганда, банк тақдим этувчига сертификатда белгиланган омонат суммасини ва унга ҳисобланган барча фоизларни (белгиланган фоизлар ҳамда ютуқ бўлиб чиққан фоизлар) нақд пул билан ёки унинг аризасига қўра банкдаги омонат ҳисобварағига ўтказиб бериш йўли билан тўловларни амалга оширади.

Сертификат муомала муддати тугамасдан олдин сўндириш учун банкка тақдим этилса, сертификат бўйича ҳақиқатда муомалада бўлган кунлар учун йиллик 10 фоиз миқдорда даромад ютуқсиз тўлаб берилади.

Ютуқлар тиражларини ўтказиш тартиблари банк бошқарувининг махсус қарори билан тасдиқланган ички меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади ва сертификатнинг муомалага чиқарилган йили 25 декабрь куни ва муомала даврининг асосий қисми (11 ой) кейинги йилга ўтган сертификатлар бўйича ютуқ ўйинлари келаси йилнинг 25 ноябрь куни ўйналади.

Пул ютуқларининг тақсимланиши

Номинал қиймати (сўм)	Ютуқли сертификат сони (дона)	Жами ютуқли сертификатлар ҳажми (сўм)	Ютуқ қилиб ўйналандиган йиллик фоиз ставкаси (%)	Бир дона сертификатга пул миқдорига чиқадиган ютуқлар (сўм)	Ютуқ қилиб ўйналандиган пул маблағларининг ҳажми (сўм)
20.000	2.000	40.000.000	18	3.600	7.200.000
20.000	4.000	80.000.000	16	3.200	12.800.000
20.000	8.000	160.000.000	14	2.800	22.400.000
20.000	10.000	200.000.000	12	2.400	24.000.000
20.000	15.000	300.000.000	10	2.000	30.000.000
20.000	20.000	400.000.000	8	1.600	32.000.000
20.000	25.000	500.000.000	6	1.200	30.000.000
20.000	30.000	600.000.000	4	800	24.000.000
<b>Жами:</b>	<b>114.000</b>	<b>2.080.000.000</b>			<b>182.400.000</b>

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+998 71) 236-74-47, (+998 71) 120-45-24, (+998 71) 120-45-13.

**ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — САЛОМАТЛИК АСОСИ**

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида она-табиатни муҳофаза қилиш, уни софлигича асраб-авайлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада атроф-муҳитни ободонлаштириш бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан олиб борилётган ишлар эътиборга сазовордир.

— 2008 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қорақалпоғистон бўлими тузилди. — дейди ҳаракатнинг ўша бўлими бошлиғи Нурия Айтжонова. — Утган вақт ичида бўлимимиз Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Халқаро «Экосан» жамғармаси филиали, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда қатор тадбирлар, экосеминарлар ўтказди. Жумладан, Халқаро сувни муҳофаза қилиш, Бутун дунё ер кўнлари муносабати билан қишлоқ жойларида бўлиб ўтган тадбирларда ёшларнинг фаоллиги таъминланди. Биохилма-

хилликни асраш ҳамда Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнлари доирасида эса Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат уни-верситети талаба ёшлари билан семинар-учрашувлар ўтказилди. Бунда асосий эътибор ёш авлоднинг табиатга бўлган муносабатини шакллантиришга қаратилди.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти, айнакиса, унинг саломатлиги табиат билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтани назардан нуқс ту-мани тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона ён-атрофини ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор

қаратилмаётир. Туман ҳокимли-ги шифохонани таъмирлаш иш-лари учун 30 миллион сўм маб-лағ ажратди. Айни пайтда ма-кур медицина муассасаси замонавий кўринишда қайта таъмирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда «Соғлом ав-лод учун» жамғармаси мутахас-сислари билан ҳамкорликда ту-мандаги Шўртанбой, Кердер қишлоқлари аҳолисига сифат-ли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳомийлар то-монидан 32 номдаги дори-дар-монлар бепул тарқатилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаро-вонлиги йили» Давлат дастури-

га мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўша шифохонага 2 та «Дамас» автомашинаси аж-ратди. Бирлашмага қарашли туғуруқхонага Осие Тараққиёт банки томонидан 9 миллион 966 миң сўмлик 23 хилдаги замонавий асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Булар-нинг барчаси, айтиш жоизки, оналар ва болалар саломат-лигини мустаҳкамлаш, аҳоли-га тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсади-да ҳукуматимиз кўрсатган яна бир эътибордир. Бундай иш-лар одамлар орасида эколог-ик маданиятнинг ўсиши, ўз ўйи, маҳалласини шу асосда шакллантириши ва ободонли-гини таъминлашида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**SONATA** *Ўз йўлингни танла!*



Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**HYUNDAI** Official Partner Tel. 250-11-11



O'ZSANOATQURILISHBANK

STANDARD & POOR'S

«Standard & Poor's»

Халқаро рейтинг агентлиги томонидан

2008 йил ҳамда 2009 йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича **ОАТБ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

кредитга лаёқатлилик бўйича **узоқ ва қисқа муддатли «В» рейтинг даражаларига сазовор бўлди.**  
Барча рейтинглар «Барқарор» прогнозига эга.

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

Вақт давомида синалган ишонч!

Хизматлар лицензияланган.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали **ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

• Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган «Мусаффо» МЧЖга тегишли гараж биноси ва ишоотлари, қурилиш майдони — 1119,05 м², бошланғич баҳоси — 173 297 900 сўм.

Шунингдек, 2009 йил 28 август куни соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилади:

• Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Алишер Навоий (Мустақиллик) кўчаси, 29-уйда жойлашган 3 қаватли «Зебо» машиш хизмат кўрсатиш уйи биноси, майдони — 2003,21 м², қурилиш ости майдони — 548,32 м², бошланғич баҳоси — 1 029 600 000 сўм.

• Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган:

а) «SAM FATTO TEKS» концернига тегишли бино-ишоотлар, асбоб-ускуналар, ҳужалик моллари ва компьютер техникалари ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 22859,41 м², бошланғич баҳоси — 3 218 023 890 сўм.

б) МЧЖ шаклидаги «БАХМАЛ» Ўзбекистон — Қозғистон қўшма корхонасига тегишли бино-ишоотлар, асбоб-ускуналар, компьютер техникалари ва офис мебеллари ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 7701,51 м², бошланғич баҳоси — 2 670 335 681 сўм.

в) МЧЖ шаклидаги «KAMOLA-GLDANI» Ўзбекистон — Грузия қўшма корхонасига тегишли клуб биноси мажмуаси, қурилиш майдони — 796,71 м², бошланғич баҳоси — 198 636 840 сўм.

г) МЧЖ шаклидаги «KAMOLA-GLDANI» Ўзбекистон — Грузия қўшма корхонасига тегишли бино-ишоотлар, асбоб-ускуналар ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 1590,5 м², бошланғич баҳоси — 1 002 719 802 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси шу йилнинг 18 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»и Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.


Манзил: Самарқанд ш., Мирзо Улуғбек к., 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«Росагропромснаб» МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Махсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазаси, Ц-дахаси, 6-уй, Мулжал — «Шўрат» дўкони жойлашган чорраха.

ООО «CHIRCHIK HEATING SYSTEMS»

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHIS

**ҚОЗОНЛАРИ**  
ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

Ўзбекистон Журналист-лари ижодий уюшмаси фах-рий журналист, Ўзбекистон-да хизмат кўрсатган мада-ният ходими.  
Зиёд Исмолович ЕСЕНБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Тошкент врачлар мажлисини ошириш инсти-тuti Соғлиқни сақлаш, бош-қариш ва молиялаштириш кафедраси mudiri Дамин Асадовга ўғли Ҳасан АСАДОВнинг вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Хотин-қиз-лар қўмитаси жамоаси кўмитанинг Навоий вилояти бўлими раиси Мусаллам Ибрагимовга укаси Акбар НАХАЛОВнинг вафот этганлиги муносаба-ти билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Шоишлич тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси марказнинг Самарқанд филиали директори Жамшед Акбарович АХТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ПОЙТАХТ ФАВВОРАЛАРИ

### шаҳар кўркига кўрк, кишиларга эса яхши кайфият ва кўтаринки руҳ бағишлайди



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда Тошкент чиройига чирой қўшиб, шаҳар ҳавосига мусофоллик бахш этиб турган фаввораларнинг ҳам тилга олмақ жоиз, назаримизда.

Бугун Тошкентимиз бағридаги юздан зиёд фаввора шаҳарга ажиб кўрку улғуворлик бахш этиб турибди. Айниқса, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига гўзал фавворалар Эзулик аркасининг мухташам салобатига уйғун-

лашиб кетганлиги, бетакрор кўриниши билан кишини мафтун этади. Бинобарин, бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасига мувофиқ, майдондаги фаввораларни истиқлол даври меъморчилик аъёнлари асосида барпо этишга алоҳида аҳамият қаратилганлигининг самарасидир. Негаки, аввалги фавворалар бу ердаги меъморий ансамблга мос эмас эди. Шунини инобатга

олиб, Бош майдонда 2006 йилнинг август ойида ниҳоясига етказилган қурилиш-реконструкция ишлари натижасида замонавий фавворалар мажмуи яратилди. Вазириликлар жойлашган маъмурий бинонинг икки ёнидаги фавворалар мукаммал таъмирдан чиқарилиб, Хотира майдонига туташ ерда узунлиги 88, эни эса 36 метрлик янги фаввора қуриб битказилди.

— Бугун эзгу ниятлар билан қад ростлаётган бундай гўзал меъморий иншоотлар халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кўзгусидир, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Қосимжон Ёқубов. — Ҳар гал Бўқадан Тошкентга келганимда, Мустақиллик ва Эзулик монументини зиёрат қилиб, кўнглим янада ёришади. Эндликда ҳар биримиз улғу аждодларга хос яратувчанлик аъёнлари бардавонлигини таъминлашга баҳоли қудрат хисса қўшаётганимиздан гурурлансак, арзийди. Қувонарлики, бугун пойтахтимиз юбилейи муносабати билан миллий меъморий аъёнлар ҳамда замонавий услуб уйғунлигидаги бир-бирдан гўзал иншоотлар барпо этилмоқда. Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар амалга оширилган бу каби хайрли ишларни кўриб, халқимизнинг уйғун ният ва интилишларига ҳавас билан қараётганлар.

Дарҳақиқат, Тошкент — меҳмондўст ва бунёдкор халқи, ижтимоий-маданий ҳаётда тугган ўзига хос нуфузи, бағрида қад ростлаган осмонўпар бинолари, мухташам боғу хиёбонлари билан маш-

ҳур. Ўз навбатида, унинг нафис ва мафтункор фавворалари ҳам замонавий архитектура талабларига мос эканлиги билан алоҳида эътирофга лойиқ. Бинобарин, истиқлол йилларида бетакрор дизайн асосида бунёд этилган фавворалар алоҳида ўрин тутди.

Хусусан, пойтахтимизнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонаси ва унинг атрофидаги бизнес ҳамда савдо марказлари туташган ердаги фавворалар ушбу меъморий ансамблнинг янада улғувор кўринишини таъминлаган. Республика ва халқаро миқёсдаги кўплаб йирик анжуманлар, бизнес-форум ҳамда кўргазмалар ўтказилган мазкур ҳудудга ташриф буюрувчилар атрофнинг гўзаллиги, фавворалар бахш этган салқинликдан баҳра олишади. Бундан ташқари, "Мустақиллик майдони" метро бекати ёнидаги, Темурийлар тарихи давлат музейи рўпарасидаги, Амир Темур хиёбони, "Туркистон" санъат саройи, Хадра майдони, "Тошкент" халқаро аэропорти ҳамда пойтахтимиздаги кўплаб маданият ва истироҳат боғлари бағридаги фавворалар ўзига хос дизайн, ранг-баранг чироқлар ёғдусида товланиши, мураккаб муҳандислик қурилмалари асосида бунёд этилганлиги билан диққатга сазовордир.

Мустақиллик майдонидаги мухташам фавворага 172 донна сув пурақачи ҳамда камалак рангида товланувчи катта-кичи ёритқичлар ўрнатилган. Айниқса, оқшом пайтида бу гўша янада мафтункорлик касб этиб, фавворалар чиройидан баҳра олган кишининг кайфи-

ятини анчайин кўтаради. Аслида ҳам, улар нафақат шаҳар кўркига кўрк қўшувчи, балки ёзнинг жазирама кунларида ҳаво ҳарорати муътадиллигини сақловчи, ён-атрофга салқинлик бахш этадиган қурилма сифатида ҳам архитектурада кенг қўлланади. Бундан ташқари, сувнинг сокин шовуллашини тинглаб, ҳузур қилган одамнинг чарчоғи ариб, асаблари тинчланиши тиббиётда исботланган.

— Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлмиш "Амир Темур" хиёбонида оилавий сайр қилиш жону дилмиз, — дейди пойтахтлик Гавҳар Иномова. — Хиёбонда сайр этиш, бобомиз хайкалини зиёрат қилиб, қизимизнинг саволларига жавоб қайтариш, берилиб шахмат ўйнаётган "амаки"ларнинг қизгин баҳсларини кузатиш, салқин фавворанинг ёнида оилавий суҳбат қуриш — буларнинг бари унутилмас лаҳзалардир. Қизалогимиз шарқираб сув таратаётган фавворага завқ билан боқиб, шундай қийқирадики, шу чоғда унинг бу бегубор кулгисига дунёдаги ҳеч бир саодат тенг кела олмаслигини ҳис қиламан. Нега ҳам қувонмайин, ахир билам тинчлик, фаровонлик, яхшилик, меҳру оқибат туйғайли гуллаб-яшнаётган юртининг иқболи банд фарзандлари қаторида униб-ўсайпти.

...Шўх ўйноқлаб, ҳар ёнга сув сочаётган фавворанинг ёқимли шаббодаси кишига ҳузур бағишлайди. Унинг шовуллашига қулоқ тутганимиз сайин оло тоғлар бағридаги шаршара товушини тинглаб, ором олгандек бўламиз. Бу фусункор манзара дилларга ҳушудлик ва беҳад қувонч бахш этади. Эеро, юксак орзу-умидларимиз янглик кўкка бўй чўзган Тошкент фавворалари барчамиз учун она-шаҳримизнинг ўзидайин севишлидир!

Муборак ОХУНОВА.

## МАДАНИЯТ

хабарлари

### Мозийга мурожаат

**Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма ва комедия театрида драматург Абдулла Жабборовнинг "Кўрғоли келдим..." мусикали драматик саҳналаштирилди. Мазкур спектаклда шоир Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.**

— Саҳна асаридида шоир яшаган давр ижтимоий ҳаёти персонажлар дунёқароши ва руҳий кечинмалари ифодасида ўз аксини толган, — дейди саҳна асари режиссёри Қаҳрамон Саъдуллаев. — Унда беш қаҳрамон образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзаабдулла Раҳмонов ижро этади. Актёр шoirнинг мураккаб руҳий ҳолати, ички кечинмаларини томошабгана самимию ва таъсирчан тарзда етакчи бериш учун баҳоли қудрат ҳаракат қилгани таҳсинга лойиқ.

### Оромгоҳдаги беллашувлар

**Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ташаббуси билан оромгоҳларда дам олаётган болалар учун ажойиб беллашув ташкил этилди.**

Яккабоғ туманининг Қизилдарё соҳилидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтган мазкур тадбир "Қувончу шодликлар сенга, бажажон!" деб номланди. Унда спортнинг шахмат-шашка, арқон тортиш, волейбол, баскетбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга аздалик совғалари тортиқ этилди.

Тадбир доирасида вилоят кўғирчоқ театри актёрлари ижросидаги Каромат Дилмуров қаламига мансуб "Туллирнинг жасорати" деб номланган спектакль намойиш этилди.

Хусан БУРҲОНОВ.

### Болажонлар қувончи

**Шу кунларда Бухоролик бир гуруҳ санъаткорлар вилоятдаги ўнлаб болалар оромгоҳларида бўлиб, қизикarli дастурларини намойиш этмоқдалар.**

Жумладан, кунга кеча Бухоро вилояти кўғирчоқ театрининг "Урмон байрами", "Мумрик" номли саҳна асарлари "Ёш қувончи", "Ёш тўқимачи", "Ёш элгатор" оромгоҳларида намойиш этилди. Эзулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, чин дўстлик ҳамда тўғрисиқлик сингари ғоялар таранум этилган ушбу спектакллар болаларга манзур бўлди. Бундан ташқари, театр жамоаси Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги "Шаббода", "Шарқ" каби дам олиш масканларига ҳам ижодий сафар қилди.

Шунингдек, Ёғдубон ҳамда Шофиркон тумани халқ театрлари жамоалари ҳам оромгоҳларда дам олаётган болаларга ҳушудлик улашдилар.

Мухтасар КАРИМОВА.

# ҒАЛАБАНГИЗ ҒУРУР БАХШ ЭТДИ

### Осиё ўйинларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган спортчиларимиз иззат-икром билан кутиб олинди.

Таиланд пойтахти Бангкогда яккакураш спорт турлари бўйича ўтказилган Осиё ўйинларидан спортчиларимиз совриндор бўлиб Ватанимизга қайтиб келишди. Улар Осиё китъасининг энг нуфузли спорт анжуманида 4 та олтин, 5 та қумуш ва 12 та бронза (жами 21 та) медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирлашди. Музаффар спортчиларимиз "Тошкент" халқаро аэропортида тантана билан кутиб олинди.

Таъкидлаш лозимки, Осиё ўйинларида илк бор миллий спортимиз — кураш бўйича ҳам расмий мусобақалар бўлиб ўтди. Албатта, бу бугун Ўзбекистонликлар учун фахр. Муҳлис муваққатларнинг фикрига кўра, кураш мусобақалари кўччиликнинг эътибор ва эътирофи сазовор бўлди. Қувонарлики, Осиё Олимпик кенгаши раҳбарияти курашдаги ҳалоллик, рақибга нисбатан ҳурмат, айниқса, жароҳат етказмаслик каби ҳислатларга юқори баҳо берди. Келгусида ўзбек кураши янада доврақ қозонишига ишонч билдиришди.

... 11 август, соат 13:40. Спортчиларимиз бортида бўлган авиалайнер етиб келишига бир соатдан кўп вақт бўлса-да, "Тошкент" халқаро аэропорти алпақачон кутиб олувчилар билан гавжум эди. Даста-даста гул тугган юртдошларимиз чукчур ҳаяжон, чексиз қувонч ва фахр билан спортчиларимизни табриклишга ошиқшади. Айниқса, Осиё ўйинларида совриндор бўлиб, юртимиз доврағини

оламга таратган спортчиларимизнинг ота-оналари, яқинлари қувончи чексиз. Ҳаяжон билан тез-тез соатиға қараб қўяётган муайтай бўйича Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби Мавлонбек Қаҳоровнинг ота-

ўғлим барчамизнинг орзуимизни рўёбга чиқарапти. Андижон давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини имтиёзли диплом билан битирди. Ўғлим спортчиларга оталарча ғамўрлик кўрсатаётган

варақларига ёзилишини эшитиб жуда қувондим. Ниҳоят аэропорт суҳандони авиалайнер Тошкентга етиб келганини эълон қилди. Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳумоя қилган спорт-

миннатдорликларини билдирдилар. Келгусида бу ғамўрликка жавобан спортда юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда бердилар.

— Менинг ғалабада мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли улзуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларининг ўрни катта, — дейди кураш бўйича олтин медали соҳиби бўлган Олим Равшанов. — Ана шу мусобақаларда маҳоратимни оширганман. Бу тажриба Осиё ўйинларида менга қўл келди.

— Бизни бунча катта тантана билан илтиқ қўлиб олишганидан хурсандимиз, — дейди Осиё ўйинларида каратэ-до бўйича бронза медалини қўлга киритган Софья Каспүлатова. — Мусобақада шохсупанинг юқори поғонасидан жой олишни мақсад қилиб борганим. Афсуски, қозғонистонлик рақибим билан бўлган биринчи жангнинг ўиничи сониясида жароҳат олдим. Шунга қарамай, қийинчилик билан бўлса-да, ғалаба қозондим. Лекин ярим финалда жароҳат яна ўз кучини кўрсатди, малайзиялик спортчига ютқазиб қўйдим. Учинчи ўрин учун баҳсада бор имкониятнинг ишга солиб, индонезиялик рақибимни 9:0 ҳисобида енгиб, бронза медали билан тақдирландим. Фурстдан фойдаланиб, бутун халқимизни, спорт иштиқобозларини Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 18 йиллик байрами билан чин юракдан табриқлайман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ифтихор

Муҳаммад АМИН (ЎА) олган сураг.

си Ҳабидулла акани суҳбатга тортишди:

— Ҳозир жуда ҳаяжонданман, — дейди Ҳабидулла ака Қаҳоров. — Ўғлимнинг ғалабаси бугун Ўзбекистонликлар қатори, биз яшаётган Избоскан тумани Пойтуғ шаҳарчаси аҳлини, оила аъзоларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Ўзим ҳам ёшлигимда кураш билан шуғулланганман. Мавлонбекни келажакда таниқли спортчи бўлсин, деб ўн икки ёшида тажрибали мураббийлар Машрабжон Қодиров ва Бахтиёр Матбобоев бошчилигидаги муайтай тўғрагига топширгандим. Шўқрки,

Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаётганидан хурсандим.

— Қизимнинг мусобақадаги иштирокини ойнаи жаҳон орқали бутун қўншилиримиз билан йиғилиб кузатдик, — дейди кураш бўйича олтин медали соҳиби қиритган Муҳаммад Кубеёвнинг онаси Эзҳра опа. — Тўғриси, қизим олтин медали соҳиби бўлганини айтишганида, қизимдан ёш чиқиб кетди. Қолаверса, Муҳаммаднинг номи ўзбек кураши бўйича Осиё ўйинларида олтин медалга сазовор бўлган биринчи спортчи сифатида тарих зар-

чаларимиз бирин-кетин кутиш залига қийиб кела бошлашди. Мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тантанали тадбир уюштирилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга берилётган доимий эътибор туйғайли ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида катта ютуқларга эришадиганликлари алоҳида таъкидланди. Спортчиларимиз, ўз навбатида, бундай юксак эътибор учун Президентимизга ўз

## ЙЎЛЛАНМА ЭҒАЛАРИ МАЪЛУМ

**Гулистон шаҳрида маҳалла ёшлари ўртасида "Футболчимиз келажаги" турнирининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.**



Унда Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг 13-14 ёшли болалар жамоалари иштирок этди.

Яқунда саралаш ўйинларининг бештасида ғалаба қозониб, биттасида дураган натижага эришган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги "Белтепа" маҳалласи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги "Янги ҳаёт", учинчи ўрин эса Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги "Навбахор" маҳалласи ёш футболчиларига насиб этди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

## ОБ-ҲАВО (12 август)

**Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

## Халқ сўзи

Народное слово

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 23.55

12 45